*1995 — иқтисодни барқарорлаштириш йили*

# ЖУРЪАТ — ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИ

Истиқлолга эришилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Навқирон ватанимиз сўнги 3-4 йил мобайнида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда узоқни кўзлаб ўтказилаётганислоҳотлар туфайли эзгулик манзилига чиқди, дунёга танилди. Мухтарам юртбошимиз томонидан келажаги буюк давлат яратиш йўлида бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили муштарак мақсадларимиз рўёбга чиқишида асосий восита бўлиб хизмат қилаётир. Буни бизнинг туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кўп тармоқли иқтисодиёт ҳаётимизга чуқур кириб бораяпти. Товарлар, меҳнат, сармоя ва қимматбаҳо қоғоз бозори пайдо бўлди. Тумандаги корхоналарнинг 70 фоизи, халқ хўжалигида ишловчиларнинг 40 фоизи давлатга қарашли бўлмаган тармоқлар улушига тўғри келади. Ўз пулимизнинг муомалага киритилиши ҳам иқтисодиётни барқарорлашишига хизмат қиляпти. Бунда айниқса, эркин нархларга ўтилгани миллий валютанинг қадрсизланиши олдини олди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бугуннинг бош талаби. Бироқ бу вазифани шунчаки расмият учун, хўжакўрсинга бажариш ўзгаришларга олиб келмайди. Хўжалик юритиш тизимини жадал янгилаб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимдир. Туманимизда йилни зарар билан якунлаган «Қўғай» давлат хўжалиги ширкатлар уюшмасига айлантирилди, «Учқўрғон» давлат хўжалиги ўрнида жамоа хўжалиги тузилди. Мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш натижасида бошқарув ходимлари 70 нафарга қисқарди ва бир неча минг сўм маблағ иқтисод қилинди. Йил катта фойда билан якунланди. Туман чорвачилигидаги янгиликлар ҳам самара бераяпти. Тажриба тариқасида «Яшикобод», Улуғбек номли жамоа хўжаликларидаги сут-товар фермалари ҳиссадорлар қўлига ўтгач, 1993 йилга қараганда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш кўпайиб, тармоқ фойда бера бошлади. Айни кунда 2 та хўжалик чорвадорлари шу усулда иш юритишга чоғланмоқдалар.

8 февраль куни Президентимиз И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида фикр юритиб, шундай дедилар: «Бугун биз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, қандай ютуқларга эришдик, қандай камчиликка йўл қўйдик, қандай имкониятлар мавжуд — буларнинг барчасини назардан ўтказиб, ўз ишларимизга рўй-рост, ҳаққоний баҳо бермоғимиз лозим». Дарҳақиқат, ҳар биримизнинг зиммамизда бугун улкан масъулият бор. Уни охирига етказмасак, халқимиз олдида жавоб беришга тўғри келади.

1993 йил якунлари учқўрғонликлар учун айникса ташвишли бўлди. Йил — ўн икки ой далада тер тўккан деҳқон кузда қуруқ қолди. Янгиликни ҳис қилмайдиган, лоқайдлик, хотиржамлик ва айниқса маъмурий буйруқбозликка ўрганиб қолган катта-кичик бўғинлардаги ходимлар, раҳбарлардан воз кечиб, уларнинг ўрнига журъатли, шижоатли, эртанги кунига ишонадиган, ишбилармон, билимдон ёшларни қўйдик. Натижада, пахтачилик ва бошқа соҳалардаги қолоқлик барҳам топди. Ўтган йили 10454 тонна дон, 41 минг тонна пахта, 800 тонна картошка, 12 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам қувончли натижаларга эришилди. Туман тарихида биринчи марта бошоқли ғалладан 41 центнердан ошириб ҳосил олинди. «Қайқиобод», «Ўзбекистон», «Жалолобод», «Қўғай» каби жамоа хўжаликлари ва ширкатлар уюшмасида эса бу кўрсаткич 43 центнергача етди.



Етакчи тармоқ пахтачилик ўнгланиш сари юз тутди. Қайқиободликлар гектаридан ўртача 38,1, охунбобоевликлар 36,7 центнердан пахта етиштирдилар, умуман 6 та хўжалик туман кўрсаткичидан юқори ҳосил олди. Туман бўйича гектаридан 33,1 центнердан оқ олтин етиштирилди. Шу асосда туманда 4800 тонна тола, 735 тонна ўсимлик ёғи, 7 минг тоннадан ортиқ чорва озуқаси олиш имкони яратилди.

Албатта, гап кўрсаткичларнинг юқорилигида эмас, муҳими кишилар иқтисодий ислоҳотлар мевасини татисинлар, тўкинлик таъминланишига иймони комил бўлсин. Ишонч ва иймон эса инсонни эзгуликка бошлайди.

Туманимизда ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Улар бир кунлик, бир ҳафталик иш эмас. Аммо изчил бажарилиши шарт бўлган юмушлардир. Сўнги 2-3 йилда 50 километр сув йўллари, 100 километрдан зиёд масофага газ қувурлари ётқизилди. 2.500 дан зиёд хонадон зангори оловдан баҳраманд бўлмоқда. Бу соҳада қилинадиган ишларимиз ҳали талайгина. «Янгиобод», «Учқўрғон» жамоа хўжаликлари, «Қўғай» ширкатлар уюшмаси ҳудудларида яшовчи аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашимиз керак.

Қурилиш материаллари тахчил бўлишига қарамай ўтган йили туманда 21 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 36 минг квадрат метр уй-жой, 540 ўринли замонавий мактаб, 140 ўринли боғча ва бошқа кўплаб маданий-маиший хизмат бинолари қурилиб ишга туширилди. Аҳоли гавжум қишлоқларда шинам гузарлар, чойхоналар, бозорлар ташкил қиляпмиз. Бу эса қишлоқ меҳнаткашлари учун қулай имконият очмоқда, халқни ислоҳотларга ишончини мустаҳкамламоқда.

Туманда давлат хўжаликлари тугатилиб мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди. Чорвачиликда ҳам бу жараён давом этаяпти. Бундан ташқари корхоналар, ташкилотлардан 20 таси давлат тасарруфидан чиқарилиб, 2 таси хусусий, 5 таси жамоа, 13 таси ҳиссадорлик мақомини олди. 134 та маданий-маиший ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонасидан 69 таси хусусий мулк қилиб ишбилармонларга берилди. 79 гектар боғ, 27 гектар узумзор ҳам ана шундай омилкор, тадбиркор кишилар қўлига топширилди. Хўш, бу усул қандай самара бермоқда? Учқўрғон таъмирлаш заводи ҳиссадорлик жамиятига айлангач, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми салкам 200 фоизга ортди. Бундай мисолларни барча ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятидан келтириш мумкин.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш бугуннинг муҳим вазифасидир. Бу борада ҳам туманда хайрли ишлар қилинаяпти. Бошоқли дон экиладиган майдонлар 3360 гектарга кўпайди. «Тадбиркорбанк»нинг ташкил топиши деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар, хусусий мулкдорларга катта қулайликлар яратди. Ўтган йилнинг ўзида аҳолига 1811 минг сўм маблағ қарзга берилди, шундан 811 минг сўми деҳқон-фермерларга инъом этилди. Бу эса янги пайдо бўлаётган мулк эгалари, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини яхшилашга хизмат қилаяпти. Айни кунда туманда 163 та деҳқон-фермер хўжалиги бўлиб, шундан 70 таси чорвачилик билан шуғулланмоқда. Улар ихтиёрида 300 гектардан зиёд ер бор. Фермерларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳокимлигимизнинг диққат эътиборида. Яқинда 300 минг сўм маблағ зотли моллар сотиб олиш, бинолар қуришга ажратилди.

Қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг сонини озайтириш йўли билан деҳқончилик маданиятини кўтариш муҳим вазифалардан. Ана шу йўлдан дадил ҳаракат бошладик. Бу йил қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг 500 нафарини кичик корхоналарга, саноат, ҳунармандчиликка жалб қиламиз. Бунинг учун тикувчилик, тўқувчилик фабрикалари очаяпмиз.

Вилоятимизда яхши ният билан савобли ишга қўл урилди. Бу қайта ишловчилар билан маҳсулот етиштирувчиларнинг аъанавий, икки томонлама манфаатли шартномаларининг йўлга қўйилишидир. Иқтисодий манфаатдорликда тенглик сари бошланган бу эзгу иш ижобий якунланмоқда. Илгари маҳсулот сотилгач, унинг ҳақи кеч тўланарди. Эндиликда харидор шартнома асосида деҳқон ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиши учун маълум фоиз пулни олдиндан ўтказиши керак. Бу тартиб қишлоқ меҳнаткашлари учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш омили бўлиб хизмат қилмоқда. Боқимандалик, хотиржамлик кайфияти ўрнини ташаббускорлик, фидокорлик, ишбилармонлик эгалламоқда. Жойларда меҳнаткашлар билан мулоқотда шу нарса маълум бўлмоқдаки, одамларнинг руҳи тетик, мамлакатимизнинг эртанги кунига ишончи мустаҳкам. 120 минг аҳоли яшовчи туманимизда энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти, ички бозор талаби ўрганиб чиқилди ва ҳал қилинмоқда. Айни пайтда ички имкониятлар ҳам ҳисобга олинган. Ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан 3306 тонна гуруч, 735 тонна ёғ аҳоли эҳтиёжи учун сарфланади.

Тараққиёт шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларнинг технологияси ва сармоясини ишлаб чиқаришга жорий этиб, ўзимизда етиштирилган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаб чиқармас эканмиз иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз. Бу эзгу ният йўлида иш бошлаб юборилди. Шу йил «Андижон» жамоа хўжалигида жунни қайта ишлайдиган завод ишга тушиб, унда 400 киши меҳнат килади. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида болгарияликлар усулида томат пастаси тайёрлайдиган кичик завод қурилади. Шак-шубҳасиз, амалдаги йилда туманимиз иқтисодиёти барқарорлашади. Бунга бошлаган эзгу ишларимиз ва кишиларнинг бугунги кайфияти шаҳодатдир.

Азамат дала меҳнатчилари ҳозирги кунларда кўкламга пухта ҳозирлик кўришяпти. Шу билан биргаликда бригадирлар, мутахассислар, ўрта бўғин раҳбарлари йил якунларини синчиклаб таҳлил қилиб хўжалик, туман, вилоят миқёсидаги машғулотларда ютуқ ва камчиликларни ўрганишиб, галдаги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Латифжон ОТАХОНОВ.
Учқўрғон тумани ҳокими.

# ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Деҳқон йил бўйи ҳалол ва астойдил тер тўкади. Нияти беназир: у элимиз дастурхонини тўкин-сочин, турмушини файзли қилишга, мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга шарафли меҳнати билан ҳисса қўшишни ўйлайди. Мен деҳқон фарзанди ва раҳбар сифатида бобо деҳқонларимиз меҳнати ва заҳмати ҳар қанча қадрланса арзийди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1995 йилги пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шу жиҳатдан ғоят эътиборга моликдир. Фармоннинг ҳаётийлиги шундаки, у пахта ва дон етиштиришни янада кўпайтиришдан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга тўла асос беради. Унинг 1-бандида шундай дейилган: «Сотиш юзасидан белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар улуши пахта толаси харид ҳажмининг 40 фоизигача ва бошоқли дон экинлари харид ҳажмининг 50 фоизигача оширилсин..»

Хўжалигимизда жами экин майдонлари 1081 гектарни ташкил этади. Шу жумладан 636 гектари пахтага, 250 гектари эса ғаллага ажратилган. 19 гектарда боғимиз бор.

Ўтган хўжалик йили деҳқонларимиз учун омадли келди. Пахтакорларимиз ҳар гектар ер ҳисобига 28 центнердан, ғаллакорларимиз эса 31 центнердан сара дон йиғиштириб олишди. Ибодулла Ўроқов, Шавкат Жамилов, Неъматулло Оллоёровлар бошлиқ пахтачилик ширкатларида ҳосилдорлик 30-31 центнерга етди. Умуман 10 та ширкат — бригаданинг ҳаммасида бултурги йил кўрсаткичлари чакки бўлмади.

Демоқчиманки, манфаатдорликка кўп нарса боғлиқ. Барча экин майдонларимиз ижарачиларга бўлиб берилган. Уларнинг ҳар бири ҳосил тақдирига масъул. Манфаатдорлик меҳнаткаш масъулиятини тобора оширмоқда.

Иншоолло, йил бошидан шаҳдам қадам олдик. Кўзланган режаларимиз залворли, мақсадимиз аниқ. Ҳозир мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаяпмиз. Куздаёқ ерларни сифатли қилиб шудгорлашдан чиқариб қўйдик. Далага гўнг чиқариш, ариқ-зовурларни қазиш ишлари жадал олиб борилмоқда. 10 та ҳайдов, 20 та чопиқ трактори ва 10 та сеялка оғиримизни енгил қилиш учун шай турибди. Бу ишда С. Нарзуллаев, Б. Баҳромов каби механизаторлар ва устахонамизнинг кўплаб ишчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишаяпти.

Дон — дастурхоннинг файзи. Бултур ғаллакорларимиз 150 гектар майдонда деҳқончилик қилишган бўлса, бу йил ғалла экин майдонимиз яна 100 гектарга кўпайди. Майсаларимиз бўлиқ ривожланмоқда. Айни кунларда озиқлантириш қизғин бошлаб юборилган. Насиб этса, шу 1995 йилда ғалладан қарийб 1000 тонналик хирмон уямиз.

1994 йилги хўжалик йилида пахтадан 1754 тонналик хирмон тиклаган эдик. Сотиш юзасидан белгиланган топшириқ ошиғи билан адо этилди. Шунга кўра 159 тонна тола хўжалигимиз ҳисобига қолаяпти. Буни пулга чақадиган бўлсак, иншоолло, иқтисодиётимиз мустаҳкамланиб, хайрли тадбирлар қамрови ошади. Яхши ният қилиб турибмиз. Бу пулни хўжалигимиз учун янги комбайнлар сотиб олишга, қишлоқларимизни газлаштиришга, аъзоларимизга мукофот тариқасида тарқатишга, хуллас, эзгу ишларга сарфламоқчимиз.

Президентимизнинг қишлоқ меҳнаткашларига ғамхўрлигига фақат ҳалол ва виждонан меҳнатимиз билан жавоб бераверамиз. Зеро, меҳнат — барча эзгуликларнинг онасидир!

Сайдирасул РАҲИМОВ,
Иштихон туманидаги «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасининг раиси.

# ОЛАРНИНГ БЕРАРИ БОР

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, ишбилармонлик зарур. Мулкни давлат тасарруфидан чиқармай, хусусий мулкчилик кўринишларини шакллантирмай туриб бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш қийин. Бунда ислоҳотларни жадал амалга ошириш, ғалла мустақиллигини таъминлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш муҳимдир. Касби туманида бу борада силжишлар ҳам, камчиликлар ҳам бор.

Саидмурод Авазов «Пахтакор» жамоа-ширкат хўжалигида биринчилар қаторида фермер хўжалигини ташкил қилганди. Жамоада 10 гектар ер мавжуд. Фермер ердан унумли фойдаланмоқда. Экин майдонларига беда, маккажўхори экиб, мўл ҳосил етиштираяпти. Молларни озиқлантириш учун мўл-кўл озуқа жамғарилаётганлиги туфайли маҳсулот етиштириш кўпаймоқда. Сабзавот, полиз экинларидан ҳам баракали ҳосил олинаётир.

Фермер хўжалигида 1000 тадан зиёд парранда, 30 бош қорамол, 15 бош чўчқа парваришланмоқда. Ўтган йили давлатга 21 тонна сут, 3 тонна гўшт сотилди. Кўплаб миқдорда парҳез маҳсулотлар етказиб берилди. Фермернинг бу йилги режалари катта. Давлатга 25—30 тонна сут, 10 тонна атрофида гўшт, кўплаб миқдорда тухум етказиб бермоқчи.

Эл манфаатини ўйлаган бундай фермерлар туманда кўп. Улардан яна бири «Талишбе» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ёвқочди Мирзаев. Унинг жамоаси ўтган йилнинг бошида тузилган эди. Бу ерда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Ўтган йили фермер давлатга 5 тоннадан ошиқ гўшт топширди. Шавкат Итолмасов бошлиқ фермер хўжалиги ҳам ўтган йилнинг бошларида ташкил этилганди. Ишбилармон ўзига ишониб топширилган вазифани ҳалол меҳнат билан оқлаяпти. У молларни бўрдоқига боқиш эвазига 5 тонна гўшт топширди.

Лекин номига деҳқон (фермер) хўжалиги бўлиб, хўжаликлар билан тузилган шартномаларни бажармаётган, ажратилган серҳосил ерларнинг умрини бекорга ўтказаётган, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ёрдам бермаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. «Москва» жамоа-ширкат хўжалигидаги Тўра Қувватов бошлиқ фермер хўжалиги шулар жумласидан. Унга 15 гектар ер берилган. Ўтган йили 47 тонна дон етиштирди. Фермер шартнома бўйича олинган ҳосилни давлатга топшириши керак эди. Аммо у 30 тонна ғаллани давлатга бериб, 17 тоннасини ўзига олиб қолди. Шартнома бўйича 7,5 тонна гўшт топшириши режалаштирилган бўлишига қарамай, бир килограмм ҳам гўшт сотмади. Тўра Қувватов ўзига берилган ерлардан ҳам унумли фойдаланмаяпти. Ғалладан олинган ҳосил ҳам мақтайдиган даражада эмас.

Шоймурод Қувватов ҳам шу жамоа-ширкат хўжалигида меҳнат қилади. Унга 22 гектар ер ажратилган. Қувватов хўжалик билан тузилган шартномага мутлақо амал қилмаяпти. Ўтган йили 22 гектар майдонга экилган арпадан 77 тонна дон олинган. Шундан 20 тоннасини давлатга бериб, қолган 57 тонна ҳосилни ўзига олиб қолган. Бунинг устига шартномада кўзда тутилган 10 тонна гўшт тайёрлаш ва етказиб бериш юзасидан белгиланган режани ҳам уддаламади.

Фермерлар шартнома шартларини бажармаган бўлсада, жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Жуманазар Тоштемиров «мен сенга, сен менга тегма» қабилида иш тутиб келмоқда. Фермер ердан самарали фойдаланиши, гўшт, сут етиштириш билан шуғулланиши, сабзавот, полиздан мўл ва сифатли ҳосил олиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида ўйлаши керак. Лекин биз мазкур фермерларда буни кўрмадик.

Ер давлат мулки ҳисобланади. Ундан тўғри фойдаланиш зарур. Афсуски, Касби туманидаги баъзи деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳосилдорликни пасайтириб юбормоқдалар. С. Насафий номли жамоа-ширкат хўжалигида ишбилармон Рўзимурод Аҳмедовга 5 гектар ер берилган. Фермер хўжалик билан шартнома тузган. Р. Аҳмедов ўтган йили 1,5 тонна гўшт тайёрлаши ва давлатга сотиши лозим эди. Давлатга бир килограмм ҳам гўшт топширилмади. Сабзавот, полиз экилган майдонлардан олинган ҳосил осмонга учдими, ерга кирдими, ҳеч ким билмайди. Бундай кўнгилсиз аҳволни била-кўра туриб хўжалик раҳбарлари Рўзимурод Аҳмедов билан муросасозлик қилмоқдалар. Бу аҳволда фермер хўжаликлари ишини жонлантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш амри маҳол.

Кўпчилик Ш. Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалигидаги Фазлиддин Хидиров ишидан ҳам рози эмас. Хўжалик билан 1991 йилдаёқ шартнома тузилган. Фермерга 4,5 гектар ер топширилган. Ўтган йиллар мобайнида фермер бирор килограмм маҳсулотни давлатга сотмаган. Ер унинг отасидан қолган мулк ёки мерос эмас, ахир. Унга шартнома асосида вақтинчалик берилганлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Жамоа ўтган йили июль ойидан мустақил фермер хўжалигига айлантирилди. Лекин шундан кейин ҳам давлатга маҳсулот топширмаган. Аммо уни на хўжалик раҳбари, на бошқа киши инсофга чақирган.

«Ғалаба» жамоа-ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган Шермат Каримов бошлиқ фермер ишидан ҳам бирор киши қониқиш ҳосил қилмаяпти. Унга 22 гектар ер берилган. Ўтган йили 14 гектар майдонга чигит қадалиб, ғўза парваришланди. Аммо ғалвирни сувдан кўтарганда мўлжалдагидан анча кам ҳосил олинганлиги аён бўлди. Ҳосилдорлик 15 центнерда қолди. Пахта пунктига 39 тонна ўрнига 22 тонна хом ашё топширилди. Қолган 8 гектар ерга экилган дон, сабзавот, полиз экинларидан ҳам белгилангандан жуда кам маҳсулот етиштирилди. Шу боис режалар барбод қилинди. Берарини унутган фермерлар тўғрисида гап кетганда Т. Малик номли жамоа-ширкат хўжалигида меҳнат қилаётган Бахтиёр Хушназаровни ҳам эслаб ўтиш зарур. У бошлиқ 20 гектар ерга эга бўлган жамоа бултур ҳар гектар майдондан бор-йўғи 14 центнердан ҳосил етиштирди. Давлатга режалаштирилган 55 тонна ўрнига 28 тонна хом ашё топширилди. Бу режадагидан 27 тонна камдир.

«Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритадиган замон ўтиб кетганлигини наҳотки бу «ишбилармон»лар билишмаса. Биз Касби туманида халқ ва давлат манфаатига хизмат қилмайдиган фермерлар билан ҳисоб-китоб қиладиган раҳбарлар топилади, деб ўйлаймиз.

Жўра ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

*Ризқ-рўз сарчашмаси*



*Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Намуна» ширкатлар уюшмасининг сут-товар фермасида 194 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 150 таси соғин сигирлардир. Ферма жамоаси бу йилги қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриб, молларни қишдан беталофат олиб чиқишмоқда. Говмишлар рацион асосида боқилганлиги учун сут соғиб олиш камаймади.*

Суратда: илғор молбоқар Шарифжон Умматов.
Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

*Қишлов — синов*

# ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Тўрабойни меҳнати эл-улусга танитди. Танитдигина эмас, унинг сурув ортида кечган кўп йиллик умри рўзғорини тўкин, обрўсини баланд, дўстлари даврасида ўрнини сарбаланд қилди. Чўпонлар сулоласининг собит давомчиси — бу меҳнатсевар йигит бугунги кунда қалбидаги устивор ва музаффар туйғудан боши осмонда! Зеро, меҳнат қилган доимо элда азиз!

Унинг қўлига чўпон таёғини олганига роппа-роса 25 йилдан ошди. Умр — оқар дарё, у йиллар силсиласидан кунларни тунларга, тунларни эса кунларга улайди. Тўрабой куни кечагина падари — Жумабой ота ортидан эргашиб, яйловда сурув ҳайдаб юрарди. Бугун эса унинг ўзи катта отарда бош чўпон. Яйлов кезиб, тоғу қирлар ошади. Чўпон ризқу рўзини ана шу яйловлардан топади.

Одатда, қутлуғ касб соҳиби — чўпон яйловни «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деб билади. Тўрабойни ҳам яйловда — Қўзибойқудуқ кенгликларида учратдик.

Атрофимизни қуршаган беадад қир-адирлар баҳор оғушида ётгандек. Мўъжаз ўт-ўланлар ажиб бўй таратади.

— Отаримизда 650 бошдан зиёд совлиқ бор, — дейди Тўрабой. — Қиш бу йил яхши келди. Кунлар баҳордагидек илиқ. Кундузи ҳам, кечаси ҳам сурувни яйратиб боқаяпмиз. Бундай пайтларда жониворларни бир дақиқа ҳам қўра-қўтонда сақлаш ярамайди. Совлиқлар очиқ ҳавода қанча яйратиб боқилса, шунча яхши. Аввало этига-эт қўшилади. Қулай об-ҳаво бўғоз совлиқлар учун айни муддао. Бунинг устига озуқа тежалади.

Тўрабой ғоят дилкаш йигит. У отаси Жумабой акани алоҳида эҳтиром билан эслайди. У эл назарига тушган, камсуқум, тадбиркор, чорвачиликнинг пирларидан эди. Тўрабойга отасидан кўп нарса мерос қолди. Шулардан энг муҳими — ўз касбига садоқат.

Бош чўпоннинг қўш қанотлари — укалари ва қариндошлари бисёр. Омонбой ва Нуриддин акасининг ҳар қандай эзгу ишига камарбаста. Онаси Мактабой опа, умр йўлдоши Шириной, жигарларидан Эргашбой, Эркинбойлар ҳам Тўрабой учун ҳамиша кўмакка тайёр.

Нурота туманидаги «Нурота» жамоа-ижара хўжалигида, қолаверса, унинг 2-бўлимида Тўрабой Шакаровга ўхшаган яйлов дарғалари кўп. Довултой Зиётов, Абдуолим Расулов, Сафарбой Юзбоев сингари кўплаб тажрибали ва пиру бадавлат чорвадорларни, Жўрабой Умаров, Эсон Бердибоев, Эржон Эрмонов каби бош чўпонларни кўпчилик ҳурмат қилади.

— Режалар қалай? — сўраймиз Тўрабойдан.

— Мақсадсиз яшаб бўлмайди, — дейди у кулиб. — Баҳоли қудрат тер тўкаяпмиз... Бу йил ҳар юз бош совлиқдан камида 103-105 тадан қўз олиш ниятидамиз. Унинг асосий қисми ўстиришга қолдирилади.

Биз унга омад тиладик. Яхши ният — ярим давлат!

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Балиқ етти хазинанинг бири. Буни яхши билган Маҳмуджон Усмонов ва Алишер Мамажоновлар Фарғона вилоятининг «Ёрмозор» жамоа хўжалигида биринчи бўлиб «Шаршара» балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этдилар. Улар дастлаб тўрт гектар кўлга 10 тонна балиқ уруғини ташладилар. Қилинган ҳалол меҳнат ўйланганидан кўра яхши натижа берди.

Шу йилнинг ўзида шаҳарликлар дастурхонига 100 тоннага яқин парҳез гўшти етказиб берилди.

Айни кунларда ишбилармон бу азаматлар балиқ боқадиган кўлни 27 гектарга етказиш ниятидалар.

## ТЕРАК — КЕРАК

Терак якка тартибда уй қурувчилар учун энг яхши қурилиш материали ҳисобланади. «Яхши ният билан бир жуфт кўчат эк», деган нақлга амал қилган республикамиз аҳолиси баҳорги кўкаламзорлаштириш ойлигига сидқидилдан тайёргарлик кўришмоқда. Бу борада Наманган вилояти ўрмон хўжалиги ходимлари мақтаса арзигулик ишлар қилдилар. Аҳил коллектив икки миллион тупга яқин терак кўчати тайёрладилар.

